

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Каримов Акмалжон Комил ўғли

Ишлаб чиқариш корхонаси самарадорлигини
ошириш йўллари
(чуст тумани мисолида)

Таълим йўналиши: 5340200 “МЕНЕЖМЕНТ”(ишлаб чиқариш)

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКА ИШИ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Р.О. Исматов

Наманган-2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	
I БОБ	Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини моҳияти ва аҳамияти
I.1	Самарадорликнинг моҳияти ва унинг корхона фаолиятидаги аҳамияти.....
I.2	Корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар.....
I.3	Самарадорлик мезони, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари.....
II БОБ	“Чуст пахта толаси” акционерлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишлари
2.1	“Чуст пахта толаси” акционерлик жамиятининг тавсифи ва иқтисодий фаолияти таҳлили.....
2.2	“Чуст пахта толаси” акционерлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари.....
2.3	“Чуст пахта толаси” акционерлик жамиятида ходимларни бошқариш самарадорлигини ошириш.....
III БОБ	Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини ва корхоналар самарадорлигини ошириш йўллари.....
3.1	Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари.....
3.2	Акционерлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш унинг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши.....
	ХУЛОСА.....
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....

АННОТАЦИЯ

Мустақиллик ҳамда барча хўжалик юритиш тизимининг бозор муносабатларига ўтиши иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланувчи корхона мақомининг сезиларли равишда ўзгаришига сабаб бўлди. Корхоналар эндиликда давлатга тегишли бўлган пайглардагидан фарқли ўлароқ маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятларини директива кўрсаткичлари асосида эмас, балки Ўзбекистон Республикаси “Корхоналар тўғрисида”ги қонуни ва бозор талабларига асосан мустақил равишда юритмоқда. Улар ўзларига керак бўлган ишчи ва ходимлар сонини мустақил белгиламоқда, ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси, тежамкорлик режимига риоя қилиш масалалари билан шуғулланмоқда, замонавий маркетинг ва менежментни йўлга қўймоқдалар ҳамда жорий ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдалар ва ривожланишнинг зарурий прогнозларини амалга оширмоқдалар.

Мамлакатни модернизациялаш иқтисодиётни рақобатбардошлигини таъминлаш жараёнида саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, мамлакат ҳаётида ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди ва рўй бермоқда. Бунга иқтисодиётга киритилган янги инвестициялар ва мавжуд моддий-техника асосини модернизация қилишдан ташқари бошқарувнинг демократик тамойилларини кучайтириш, корхона, фирма ва уларга тенглаштирилган ишлаб чиқариш тузилмаларининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ мустақиллик доирасини кенгайтириш, сиёсатнинг иқтисодиётдан устунлигига барҳам бериш, инсон фаолиятининг барча соҳа ва тармоқларида ташаббускорлик, изланиш ва ҳоказоларнинг ривожланиши ҳам кенг имкониятлар яратмоқда.

Мустақиллик ҳамда барча хўжалик юритиш тизимининг бозор муносабатларига ўтиши иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланувчи корхона мақомининг сезиларли равишда ўзгаришига сабаб бўлди. Корхоналар эндиликда давлатга тегишли бўлган пайтлардагидан фарқли ўлароқ маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятларини директива кўрсаткичлари асосида эмас, балки Ўзбекистон Республикаси “Корхоналар тўғрисида”ги қонуни ва бозор талабларига асосан мустақил равишда юритмоқда. Улар ўзларига керак бўлган ишчи ва ходимлар сонини мустақил белгиламоқда, ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси, тежамкорлик режимига риоя қилиш масалалари билан шуғулланмоқда, замонавий маркетинг ва менежментни йўлга қўймоқдалар ҳамда жорий ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдалар ва ривожланишнинг зарурий прогнозларини амалга оширмоқдалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий сифат ўзгаришлари алоҳида эътиборга сазовордир.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.¹

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Бозор шароитларида “самарадорлик” тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасада, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий адабиётларида корхона самарадорлигини ошириш, бошқарув тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш муаммоларига жуда катта аҳамият берилган. Айниқса, бу муаммони ўрганишда

¹ “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2014 йил, 19 январ

А. Смит, Ф.У. Тейлор, Т. Эмерсон, Г. Черг, А. Файоль, Э. Мэйо, И. Ансофф, Д. Мак Грегор, Р. Акофф, Г. Минцбург, М. Мескон ва бошқаларнинг қўшган ҳиссалари аҳамиятлидир.

Бу масалаларни МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари И. Семёнов, А. Пайкин, А. Богданов, О.А. Ерманский, А.К. Гостев, П.М. Керженцевларнинг асарларида ҳам кенг ёритилган. Ўзбекистонда саноат корхоналарида бошқарув тазимини ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари Ё. Абдуллаев, Т. Эргашев, М. Шарифхўжаев, С.С. Фуломов, А. Хаитов, Д. Сагдуллаев, Э. Махмудов, М.Исоқов каби олимлар асарлари ва илмий ишларида таҳлил қилинган.

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши натижасида саноат корхоналари самарадорлигини оширишнинг ҳали ҳал этилмаган муаммолари мавжуд, шунингдек, шу билан бирга бозор муносабатлари шароитида янги назарий ва амалий муаммолар вужудга келмоқда. Шунинг учун ўрганилаётган муаммонинг мураккаблиги ва ҳали ҳал этилмаган муаммолари мавжудлиги битирув малака иши мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларини белгилашга сабаб бўлди.

Битирув малака ишининг мақсади мамлакатни модернизациялаш иқтисодиётни рақобатбардошлигини таъминлаш жараёнида саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш юзасидан илмий – амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда битирув малака ишида қуйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал қилинди:

Самарадорликнинг моҳияти ва унинг корхона фаолиятидаги аҳамияти кўриб чиқилди;

Корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинди;

Самарадорлик мезони, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари ўрганилди;

Корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малака ишининг объекти сифатида “Чуст иахта толаси” акционерлик жамияти танланди.

Битирув малака ишининг назарий ва услубий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакат иқтисодий сиёсатига оид асарлари, Ўзбекистон Республикасининг корхоналар фаолиятини тартибга солиш, саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш ва бошқарув механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлари ҳамда корхоналар самарадорлигини ошириш бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ташкил қилади.

Битирув малака ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, амалда саноат корхоналарида самарадорликни бўйича билдирилган фикрлар ва тавсиялардан улар фаолиятини истикболда ривожлантириш ва стратегик режаларини ишлаб чиқишда бозор муносабатлари шароитида самарали фаолият юргизиш мақсадида фойдаланиш, Олий таълим муассасаларининг “Иқтисодиёт”, “Менежмент” таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга “Корхона иқтисодиёти”, “Ишлаб чиқариш менежменти” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малака ишининг таркиби. Битирув малака иши кириш, учта боб ва хулоса қисмларидан иборат.

1-БОБ. Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини моҳияти ва аҳамияти

1.1. Самарадорликнинг моҳияти ва унинг корхона фаолиятидаги аҳамияти

Ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий стратегияси узоқ вақтга мўлжалланган фундаментал мақсадларни ўртага қўйиш билан бир қаторда, бу мақсадларга эришиш воситалари, йўллари белгилашни ҳам ўз ичига олади. Булар орасида ишлаб чиқариш самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш асосий ўринда туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилган маърузаси ва кейинги чиқишларида мамлакатимизнинг янги XXI аср бошларидаги асосий вазифалар аниқ белгилаб берилган. Уларда табиийки, янги асрга қадам қўйган мамлакатимизнинг “иқтисодийни ислоҳ этиш ва жамиятни ўзгартириш борасидаги ишлар натижасини холис баҳолаш” билан биргаликда “устувор йўналишлар ва бундан кейинги ривожланиш стратегиясини шакллантириш” масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, жамиятни янада ривожлантириш кўп жиҳатдан корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга боғлиқ. Чунки ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши ва юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар асосан “жиддий таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда”²

Ўзбекистон давлатининг қудратини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, келажақда эса – уларни мўл-қўл яратиш, иқтисодий ва илмий-техника соҳасида энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир.

Мустақилликка эришилганлик, қудратли иқтисодий ва илмий-техник салоҳият яратилаётганлик, иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг такомиллашаётганлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларини биринчи ўринга қўйди. Бинобарин, Республика Президентининг маъруза ва нутқларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ишлаб чиқаришнинг, жумладан, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг моҳияти ва аҳамияти, долзарб муаммолари, иқтисодийни экстенсив ва интенсив тараққиёт йўлига ўтказиш муносабати билан келиб чиқадиган устувор вазифалар чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиб берилмоқда.

Маълумки, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда икки хил омил: миқдор ва сифат, экстенсив ва интенсив, яъни кенгайтирувчи (узайтирувчи) ва зўр берувчи, кучайтирувчи омиллар ҳаракатда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, “агар ишлаб чиқариш соҳаси кенгайтирилса, экстенсив суратда кенгайган такрор ишлаб чиқариш бўлади; агар яна ҳам кўпроқ самара берадиган ишлаб чиқариш воситалари қўлланиладиган бўлса, интенсив суратда кенгайган такрор ишлаб чиқариш юзага келади”³.

Ўзбекистон саноатида ана шу икки йўлдан оқилона фойдаланиш натижасида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги босқичма-босқич ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузада кейинги йилларда иқтисодийтимизда юз бераётган жиддий

² И.А.Каримов “Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш –асосий вазифамиздир” Маърифат газетаси, 2007 йил 14 феврал, 13-сон, 1-бет.

³ Михаил Казарин “Мотивация персонала и эмоциональная компетентность” Москва-2007 www.kazarin.clan.su

таркибий ва сифат ўзгаришларига алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз ушбу жараёнларни биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди⁴.

Мамлакатимизда ўтган даврларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мақсадли дастурларни амалга ошириш;
- инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар);
- енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- чарм хомашёсини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш;
- халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва улар билан бозорни тўла таъминлаш;
- қурилиш материаллари индустриясини ривожлантириш;
- саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;
- саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш;
- маҳаллийлаштириш дастури ва халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти қўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга қўмаклашиш.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Афсуски, бозор шароитларида “самарадорлик” тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасида, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

Самарадорлик сўзи - бу энг кўп учрайдиган умумий тушунчалардан бири бўлиб, иқтисодий - ижтимоий тараққиётнинг хилма-хил соҳаларида жуда кенг ишлатилади. Масалан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат самарадорлиги, ўқиш ва ўқитиш самарадорлиги, даволаш ва даволаниш самарадорлиги, қабул қилинган қонун ва қоидалар ҳамда ечимларнинг самарадорлиги ва ҳоказолар.

⁴ Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 5-бет

“Самара”, “самарадорлик”, “ ижтимоий-иқтисодий самарадорлик” каби тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннариhini камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик саноат ишлаб чиқариш фаолиятининг "кўзгуси" ҳисобланади. Бу "кўзгу"да ишлаб чиқаришнинг барча натижаларини кўриш мумкин. Маълумки, ҳар бир тармоқ, корхона, қолаверса, ҳар бир шахс ўз ишлаб чиқариш фаолиятида максимум фойда олишга интилади. Унинг учун маълум харажатлар қилади. Ана шу фойда билан харажатлар ўртасидаги фарқ тармоқ ва корхона фаолиятининг "кўзгуси" бўлган самарадорликда кўзга ташланади. Ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлиги ишлаб чиқариш харажатларини минимум даражага келтиришдан иборат.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва ҳўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг ҳўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини фарқлайдилар. Самарадорликни иқтисодий ва ижтимоий турларга бўлиш шартли бўлиниш ҳисобланади. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган ва меҳнат харажатлари билан боғлиқ бўлган натижаларнинг ҳаммаси иқтисодий ва маълум маънода ижтимоий самара деб айтиш мумкин.

Бу ерда шуни эслатиб ўтиш керакки, иқтисодий ва ижтимоий тушунчаларнинг сунъий бўлиниши ҳақида баҳслашиш мумкин. Лекин, иқтисод ижтимоий ҳаётдан ташқарида бўлмагани каби, ижтимоий ҳаёт ҳам иқтисодсиз бўлмайди. Демак, уларни бири-биридан ажратиш бўлмайди. Чунки амалга оширилган ҳар бир иш айна вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара келтиради.

Иқтисодий самарадорлик самарадорликка қараганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг ҳўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди ҳамда барча ҳолларда самаранинг унга эришиш учун кетган харажатлар(ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир қилмаган ҳолда), самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижасини кўрсатади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш, бошқарув, янги техника ва технологияни жорий этиш, меҳнат сифатини ошириш ва ҳоказоларнинг натижаси. Иқтисодий самара материал, меҳнат, пул ва бошқа ресурсларни тежаш туфайли эришилган миқдор, вақтни тежаш, қурилиш муддатларини қисқартириш, меҳнат сарфини тежаш, иш вақтининг зое кетишини камайтириш, маблағлар оборотини тезлаштириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ўстириш, ишлар сифатини яхшилаш ва бошқа натижалар билан тавсифланади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

Ушбу самаралар ишлаб чиқаришнинг ўзида вужудга келаётганини ва бирлашиб бажарилган меҳнат туфайли ишловчилар ўртасидаги муносабатлар таърифланишини назарда тутсак, уларни ижтимоий-иқтисодий самара деб атасак бўлади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади: иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Масалан, фойданинг ўсиши, жамғармаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазифалар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имконини беради.

Бироқ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи - фойда (даромад) ўз-ўзидан, автоматик равишда юзага келмайди. Турли корхоналарда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, турли восита ва йўللardan фойдаланилади. Бунда вақт омили, яъни самарадорликка қисқа ёки узоқ муддатларда эришишни мўлжаллаш, асосий роллардан бирини ўйнайди. Масалан, корхона олаётган фойдасини қисқа вақт мобайнида маҳсулот сифатини яхшилашни маблағ билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта куруллантириш ва модернизация қилиш, ходимлар малакасини оширишга ажратилаётган маблағларни камайтириш йўли билан кўпайтириши мумкин. Узоқ муддатли режаларда эса бу, фойданинг камайишига ва ҳаттоки корхонанинг бозордаги ўрнини йўқотиши натижасида банкротга учрашига олиб келиши мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида самарадорлиkning алоҳида ўрни мавжуд. Бозор иқтисодиёти натижалиликни, фойдалиликни тақозо этади. Тартибли бозорга асосланган иқтисодиётда энг кам ресурс сарфлаб кўп натижага эришиш зарур. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида 5 турдаги ресурслар тизими ҳаракатда бўлади: а) моддий ресурслар, б) меҳнат ресурслари, в) молиявий ресурслар, г) энергетик ресурслар, д) ахборот яъни инфорацион ресурслар. Мана шу ресурслардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш мумкин. Бундай фаолият ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишида муҳим аҳамият касб этади. Корхоналарда ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг аниқ-равшан йўналишлари Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Қонунлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида кўрсатиб берилган.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, самара ва самарадорлик қотиб қолган категориялар қаторига кирмайди ҳамда фақатгина пул кўринишида ўлчанмайди. Самарадорлик ва сифатли меҳнат туфайли корхона биринчидан, ўзининг иқтисодий барқарорлиги ва бозордаги рақобатчиликка бардош беришини таъминлайди, иккинчидан, ўз имиджини яхшилади ва ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди, учинчидан, ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳолини яхшилади. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари кидириш, харажат ва натижаларни тўғри солиштириш, мулкчилик шакли, қайси тармоққа тегишлилиги, ҳудудий жойлашиши ва фаолият туридан қатъи назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади.

1.2. Корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг жуда кўп, хилма-хил омиллари ва асосий йўналишлари мавжуд. Шу жумладан “жамиятни тараққий эттириш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлларининг хилма-хиллиги бир қанча омилларга боғлиқ. Авваламбор бунга уларнинг аниқ мақсадни кўзлаб йўналтирилиши ва иқтисодиётни амал қилиш принциплари сабаб бўлади”⁵ Самарадорликни оширувчи барча омиллар уч белгига асосан гуруҳларга бўлиниши мумкин: манба бўйича, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича, омилларнинг ўрни ва амалга ошириш даражаси бўйича.

⁵ Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси – иқтисодий салоҳиятни юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон». 2003. - 73 бет.

Омилларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш манбалари бўйича таснифлаш нималар ҳисобига ижтимоий меҳнатни тежашга эришиш мумкинлигини ёки эришилганлигини аниқлашга ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан асосий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, фонд сиғими ҳамда капитал маблағ талабликни камайтириш, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва вақтни тежаш. Лекин бундай таснифлаш талабга жавоб бермайди. Бу саволларга жавоб топиш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча омилларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича гуруҳлаш керак. Улар ижтимоий меҳнатни тежашга қаратилган техник, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар комплексида иборат. Бу йўналишлар ғоят хилма-хилдир. Энг муҳимларига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;
- фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник - иқтисодий даражасини кўтариш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш муддатини қисқартириш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперациялаш, комбинатлаш-тириш ва ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;
- бошқаришнинг структурасини, молиялаш, баҳолаш ва кредитлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш.

Корхоналарда ишлаб чиқаришни эркинлаштириш ва бу тармоқда ислохотларни чуқурлаштириш самарадорликни оширишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Ҳеч кимга сир эмаски, ишлаб чиқариш харажатларининг юқори экани, тайёрланаётган маҳсулотларнинг материал ва энергияни кўп талаб қилиши ва аввало иқтисодиёт реал сектори тармоқларининг технологик жиҳатдан қоқоқлиги бугунги кунда рақобатдошликни оширишда жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Юртимиздаги 500 дан ортиқ реал сектор корхонасида ишлатилаётган 160 мингдан зиёд ускуна бўйича ўтказилган техник аудит натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ана шу ускуналарнинг 30 фоиздан ортиғи эскириб кетган. Жумладан, электр техника саноатида ускуналарнинг 44 фоизи, машинасозлик тармоғида 37 фоизи, кимё саноатида 21 фоизи, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 20 фоизи, озиқ-овқат саноатида 19 фоизи, енгил саноатда 8 фоизи эскирган.

2009-2013 йилларда самарасиз ишлаётган 172 та корхона тижорат банклари балансига ўтказилди. Уларнинг 112 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ва янги мулкдорларга сотилди. Банklar балансида қолган корхоналарнинг 43 тасида эса ишлаб чиқариш фаолияти тикланди, яна 17 та корхонада бу борада иш олиб борилмоқда.

Ана шу корхоналарда модернизация ва ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш жараёнларини амалга ошириш учун 316 миллиард сўм ҳажмидаги инвестиция киритилди ва бунинг натижасида 9 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда 140 дан ортиқ корхона зарар кўриб ишламоқда. Уларнинг 67 таси йирик корхоналар бўлиб, 10 таси саноат соҳасига, жумладан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё, электр техника ва фармацевтика саноати тармоқларига тегишлидир⁶ деб таъкидлайдилар Президентимиз И.А.Каримов.

⁶ “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2014 йил, 19 январ

Корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи йўлларида яна бири фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдир. Техник ва технологик омил самарадорликни ўстиришнинг камида учдан икки қисмини таъминлайди.

Маълумки, иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида техника тараққиётининг характери ва мазмуни ўз хусусиятларига эга бўлади. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида фан-техника тараққиёти ундаги миқдорий ўзгаришларгагина эмас, балки кўпроқ сифат ўзгаришларига қаратилади. Умуман, самарадорлик иқтисодиётдаги сифат ўзгаришлари билан боғлиқдир, бу талаб фан-техника тараққиётига ҳам тўлиқ жорий этилади.

Корхона ишлаб чиқариши ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини юқори даражага кўтаришда инсон омилнинг роли бекиёсдир. Инсонларнинг ташаббуси, куч-ғайрати, жонли ижодиёти ҳар қандай тараққиётнинг қудратли кучи ва энг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам инсонни жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи деб айтадилар. У барча янгиликларни, шу жумладан, янги, илғор техника-технологияларни яратади, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этади, илмий ва амалий кашфиётлар қилади. Барча ишлаб чиқариш воситалари инсон меҳнати билан ҳаракатга келтирилади, фойдали нарсалар ҳосил қилинади. Бироқ инсон фақат асосий ишлаб чиқарувчи кучгина эмас, шу билан бирга ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳамдир. Одамлар фаолияти шу муносабатлар орқали руёбга чиқади. Бу фаолият йўналиши ва натижалари ходимнинг ўз фаолиятида қандай ўй-фикрларга, тасаввурларга, мақсадларга, ҳаётий йўл-йўриқларга, муддаоларга ва психологик эътиқодларга амал қилишига боғлиқ. Шу сабабли инсон омилнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни таҳлил этилганда гап фақат инсон ҳақидагина эмас, балки аввало инсон яшаб, меҳнат қилаётган ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими билан белгиланувчи ижтимоий сифатлар, фаолиятни рағбатлантирувчи омиллар ва муддаолар ҳақида бориши керак.

Самарадорлик - ривожланиб боровчи кўрсаткичдир. У кўпгина сабаблар ва омиллар таъсирида доимий равишда ўзгариб туради. Улардан бир хиллари самарадорлик ошишига ёрдам берса, бошқалари уни пасайтиришга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, самарадорлик даражаси ва ўсишига меҳнат жараёни кечадиган шароит ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шарт-шароитлар қулай бўлса, у ёки бу омилнинг таъсир этишини кучайтиради ёки ноқулай бўлса, бу таъсирни заифлаштиради. Масалан, табиий-иқлим шароитлари кишлоқ хўжалигидаги меҳнат натижаларига ва унинг унумдорлигига жиддий равишда таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш воситаларининг мулкчилик шакллари билан боғлиқ бўлган ижтимоий шарт-шароитлар, шунингдек, ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлган шарт-шароитлар бошқа тенг шароитда ҳам самарадорликга жиддий равишда таъсир кўрсатиши мумкин.

Самарадорлик даражаси ва унинг динамикасига кўпгина омиллар таъсир қилади. Омиллар деб самарадорликнинг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган ҳаракатлантирувчи кучлар ёки сабабларга айтилади. Омилларнинг биринчи гуруҳига меҳнат воситаларининг самарасини ортиши, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнаткашлар ижтимоий гуруҳлари шароитининг яхшиланиши билан боғлиқ бўлган барча тадбирлар киради; иккинчи гуруҳи - табиий шароитларнинг ноқулай таъсир кўрсатиши, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги камчиликлар, ижтимоий шароитдаги салбий элементларнинг таъсир кўрсатиши киради.

Айрим корхона ёки ташкилот даражасидаги омилларни қараб чиққанда, уларнинг ҳаммасини ички ва ташқи омилларга бўлиш мумкин.

Ички омилларга корхонанинг техника билан қуролланиш даражасини, қўлланилаётган технологиянинг самарадорлиги, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг энергия билан таъминланиши даражаси, татбиқ этилаётган рағбатлантириш тизимларининг таъсирчанлиги, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, кадрлар таркибининг яхшиланиши каби корхонани раҳбарларига боғлиқ бўлган барча нарсалар киради. Ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: давлат буюртмалари ва бозордаги талаб

ҳамда таклифларнинг ўзгариши муносабати билан маҳсулот хиллари ва уларнинг сермехнатлик даражасининг ўзгариши; жамият ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлари; меҳнатни кооперациялашув даражаси, моддий техника таъминоти табиий шарт-шароитлар ва ҳоказолар.

Барча омилларни ўз ички мазмуни ва моҳиятига кўра, учта гуруҳга бўлиш мумкин: моддий-техника, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий. Самарадорликни оширишнинг моддий асоси фан, техника ва технологияни ривожлантириш, уларнинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишдир. Шунинг учун ҳам моддий-техника омиллари гуруҳини, одатда, етакчи ва қолган барча омилларни белгиловчи гуруҳ деб қаралади.

Самарадорликни оширишнинг моддий-техника омилларига фан-техника тараққиётини узлуксиз ривожлантириш асосида меҳнатнинг техника ва энергия билан таъминланишини ошириш киради. Ишлаб чиқаришда фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари қуйидагилардир: ишлаб чиқаришнинг автоматлаштиришга ўтиш муносабати билан уни механизациялаш; меҳнатнинг энергия билан таъминланиш даражасини ошириш асосида машина ва асбоб-ускуналар қувватининг ортиши; ишлаб чиқаришни электрлаштириш; саноат ва қишлоқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида ишлаб чиқаришни кимёлаштириш; бутунлай янги технологияларнинг яратилиши (улар ишлаб чиқариш интенсивлигини оширишни таъминлайди ва жонли меҳнат сарфини кескин қисқартиради); ишлаб чиқаришга материал сарфланишининг пасайиши ва моддий ресурсларнинг тежалиши; машиналар ва асбоб-ускуналар ихтисослашувининг чуқурлашуви ва шу кабилар. Энергиянинг янги қудратли манбалари - атом, ички ядро, геотериал, космик ва ҳоказо турларининг ўзлаштирилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Моддий - техника омиллари таъсири натижасида самарадорлик ортади ва маҳсулотнинг сермехнатлик даражаси (т) пасаяди. Сермехнатлилик даражаси кўрсаткичи бўйича самарадорликнинг ўсиши қуйидаги формулалар билан аниқланади:

$$M_y = \frac{M_{cm} \cdot x100}{100 - M_{cm}} \text{ ёки } M_y = \frac{M_{cm} \cdot x100}{C_{cd} - M_{cm}}$$

Бу ерда M_y - самарадорликнинг ошиши, %;

M_{cm} - маҳсулот бирлиги сермехнатлик даражасининг пасайиши, %;

C_{cd} - тадбирни жорий этишдан олдин маҳсулот бирлигини учун зарур бўладиган бошланғич сермехнатлик даражаси.

Самарадорликнинг ўсишига доир ташкилий омилларда корхоналар, тармоқлар ва умуман, халқ хўжалиги даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш киради. Хусусан, корхоналарни мамлакатимиз ҳудудлари бўйича жойлаштириш, ҳам мамлакат ичида, ҳам чет мамлакатлар билан транспорт алоқаларини йўлга қўйиш; корхоналарни ихтисослаштириш ва уларнинг кейинчалик кооперациялашуви; моддий-техника, энергия таъминоти, таъмирлаш хизмати кўрсатиш ва ҳоказолар катта аҳамиятга эгадир. Корхоналар ичида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг яхшиланишига доир муҳим вазифалар қуйидагилардир: режалаштириш сифатини ошириш; ишлаб чиқаришни ташкилий-техник жиҳатдан тайёрлашни ташкил этиш; янги техника ва технологияни ўз вақтида жорий қилиш; ишлаб турган асбоб-ускуналарни замонавийлаштириш; машиналар, механизмлар, асбоб-ускуналар, аппаратларни жорий ва капитал таъмирлашни таъмин этиш, шунингдек, корхона ичида моддий-техника таъминотини тўғри ташкил этиш.

Барча ташкилий омиллар бир-бири билан мустақкам боғланган бўлиб, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этишнинг ягона тизимини ҳосил қилади. Улардан тўлиқ фойдаланмаслик, турли ташкилий камчиликларнинг мавжуд бўлиши асосан иш вақтидан фойдаланишда ўз таъсирини кўрсатади. Иш вақтининг бекор сарф бўлиши меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар оқибати бўлиб, самарадорликни пасайтиради, иш вақти бекор сарф бўлишини қисқартириш эса самарадорликнинг ортишини таъминлайди.

Корхона ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи энг муҳим ташкилий омиллардан бири бошқарув тизими ҳисобланади. “Корхона раҳбари ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайди, лекин уни ҳар томонлама бажарилишини назорат қилади. Агар корхонанинг ҳажми катта бўлса биргина раҳбар барча жараёнларга диққат эътиборини тўла қарата олмайди. Бундай пайтда раҳбар ўринбосарларига эҳтиёж туғилади”⁷ Демак корхона ҳажмини ҳисобга олган ҳолда раҳбар ўринбосарлари сони ва ваколатларини тўғри белгилаш самарадорликни оширишнинг энг муҳим ташкилий омили бўлиб ҳизмат қилади.

Ташкилий омиллар тизимида кадрлар таркибининг яхшиланиши - бошқарув ходимлари сонининг нисбий қисқариши ва саноат - ишлаб чиқариш ходимлари умумий сониди ишчилар салмоғининг, булар орасида эса асосий ишчилар салмоғининг ортиши муҳим ўрин тутди. Саноат - ишлаб чиқариш ходимлари умумий сониди ишчилар салмоғи қанчалик юқори бўлса, битта ходимга тўғри келадиган самарадорлик ҳам шунчалик юқори бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсири шу нарса билан боғлиқки, фан-техника тараққиётининг авж олиши, ишлаб чиқариш (техника, технология) моддий асосининг таъминлашуви ва хилма-хил, кўп ҳолларда эса анча мураккаб ташкилий тадбирларнинг амалга оширилиши ўз-ўзидан содир бўлмайди, балки фақат ижтимоий ишлаб чиқариш иштирокчилари бўлган инсонларнинг фаол меҳнат фаолияти натижасидагина содир бўлади. Бу меҳнат фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучи - муайян натижани қўлга киритишга бўлган қизиқишдир. У ўз навбатида ишлаб чиқариш иштирокчилари бўлган инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолият қатнашчилари муайян меҳнат фаолияти натижасини қўлга киритишга интилиши билан бир қаторда етарли даражадаги меҳнат қобилиятига, ишбилармонлик ва шижоаткорлик каби зарур шахсий сифатларга эга бўлишлари, шунингдек, тадбиркор ва ҳушёр бўлишлари лозим.

Самарадорликга таъсир кўрсатувчи энг муҳим ижтимоий-иқтисодий омилларга қуйидагилар киради:

- меҳнат натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлик;
 - ходимларнинг малака даражаси, уларнинг касбий тайёргарлиги сифати ва умумий маданий-техникавий савияси;
 - меҳнатга муносабат ва меҳнат интизоми даражаси;
- меҳнат жамоалари ўз-ўзини бошқаришининг ривожланиши

1.3. Самарадорлик мезони, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари

Иқтисодий самарадорликнинг моҳияти унинг мезони ва кўрсаткичлар тизимида акс этади.

Ишлаб чиқаришнинг асосий мақсадига эришиш учун барча ресурслардан оқилона фойдаланиш, тайёрланадиган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигига сарфланадиган харажатларни камайтириш керак бўлади. Демак, самарани ўлчаганда мезон сифатида жами ижтимоий меҳнатни тежаш, унинг унумдорлигини ошириш қабул этилади.

Ишлаб чиқаришнинг умумий (мутлоқ) самарадорлиги деганда харажатлар ва ресурсларнинг айрим турлари билан солиштирилган ёки таққосланган иқтисодий самаранинг умумий миқдори тушунилади.

Ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлиги харажатлар ва ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади ва умуман халқ ҳўжалиги бўйича, тармоқлар, корхоналар, капитал қурилиш объектлари бўйича ҳисоблаб чиқилади. Бундай самарадорликни аниқлаш харажатлар ва ресурслар

⁷ Дмитрий Кайзер, Современные системы оплаты, мотивации и нормирование труда. Москва-2007
Адрес статьи: http://www.iteam.ru/publications/human/section_46/article_557/

самарадорлиги даражасини, самарадорликнинг асосий йиғимларини акс эттирувчи дифференцияланган кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишга асосланади. Бундай кўрсаткичларга ишлаб чиқаришнинг ёки унда тайёрланадиган маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, фонд сиғими, капитал сиғими киради.

Хўжалик самарадорлигини баҳолаш, корхонада фойдаланиладиган ресурс турлари бўйича амалга оширилиши ва миқдор жиҳатидан ўлчаниши мумкин. Масалан, ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигини самарадорлик ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими кўрсаткичлари ёрдамида қуйидаги формула асосида баҳолаш мумкин:

$$ПТ = \frac{Q}{Ч}$$

Бу ерда:

ПТ - самарадорлик;

Q - маҳсулот ҳажми қиймат кўринишида;

Ч - ишловчилар (ишчилар) сони.

Маҳсулотнинг меҳнат сиғими самарадорликга тескари катталиқ бўлиб, сарфланган меҳнат миқдорининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида аниқланади:

$$T = \frac{Ч}{Q}$$

Меҳнат қуроллари(асосий фондлар)дан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сиғими ва фонд қайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Бунда фонд қайтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни англатса, фонд сиғими эса фонд қайтимига тескари катталиқ бўлиб, янги асосий фондларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни аниқлаш вазифасини бажаради.

Фонд қайтими (f_o) ва фонд сиғимини (f_e) аниқлаш формуласи қуйидагича:

$$f_o = \frac{Q}{\Phi}$$

Бу ерда:

Q - маҳсулот ҳажми, қиймат пул кўринишида;

Φ – асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати.

$$f_e = \frac{\Phi}{Q}$$

Фонд қайтими қанчалик юқори ва фонд сиғими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш ва меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади ва аксинча. Машина ва усқуналардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ҳамда ходимлар малакасини ошириш, фонд қайтимини кўпайтиришнинг муҳим захираси ҳисобланади.

Меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги, маҳсулотларнинг материал сиғими ёрдамида сарфланган хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва меҳнат предметларининг умумий қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади. Унинг формуласи қуйидагича:

$$m = \frac{M}{Q}$$

Бу ерда:

m - маҳсулотларнинг материал сиғими;

М - маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган моддий харажатларнинг умумий миқдори пул кўринишида;

Q - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, қиймат кўринишида.

Бозор шароитларида корхона хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи ёки мезон кўрсаткичи сифатида рентабеллик ёки капиталнинг даромадлилигини қабул қилиш мумкин. Бу кўрсаткич қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$R = \frac{П}{А} * 100$$

Бу ерда:

R - рентабеллик, хўжалик фаолиятининг натижасини фойда шаклида кўрсатади ва фоизларда ўлчанади;

П - корхонанинг баланс фойдаси;

А - авансланган капитал(асосий ва айланма).

Корхона рентабеллигини аниқлашда баъзида корхона олган умумий фойда эмас, балки маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига олинувчи фойда улушидан фойдаланилади. Бундай ёндашув корхонани ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тежамкорлик билан рационал тарзда фойдаланиш, натижада эса маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланувчи барча харажатларни камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар сари чорлайди.

Тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{пл}$) корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{пл} = \frac{A_2 - П_{дз}}{П_2 - Д_{зк}}$$

Бу ерда:

A_2 – айланма активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва ҳоказолар);

$П_2$ – мажбуриятлар (қисқа муддатли қарзлар, қисқа муддатли кредитлар, бюджет олдидаги қарзлар, кредиторлик қарзлари ва ҳоказо);

$П_{дз}$ – муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари;

$Д_{зк}$ – узоқ муддатли қарз ва кредитлар.

Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти (K_{cc}) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{cc} = \frac{П_1}{П_2 - Д_{зк}}$$

Бу ерда:

$П_1$ – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

Молиявий мустақиллик коэффиценти ($K_{фн}$) корхона молиявий мустақиллигининг камайиши (кўпайиши), келажакда молиявий қийинчиликларга учраш хавфининг кучайиши (пасайиши) ҳақида маълумот беради ҳамда корхона ўз мажбуриятлари олдида жавоб беришининг кафолатларини белгилаб беради. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{фн} = \frac{П_1}{ИБ}$$

Бу ерда:

ИБ - корхона баланси активи ёки пассивининг якуни.

Халқ хўжалигида янги техника, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини белгилаш методикасида самарадорликнинг норматив коэффициенти халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари учун **0,15 га** тенг қилиб олинган.

Келтирилган харажатларни аниқлаш эски техника ўрнига янгисини яратиш ва қўллаш натижасида ҳосил бўладиган иқтисодий самарани баҳолашга халқ хўжалиги нуқтаи назаридан ёндашишни тақозо этади.

Йиллик иқтисодий самара - бу янги техника, технология ва прогрессив маҳсулот турларининг, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш ва баҳолашда қўлланиладиган муҳим кўрсаткичлардан биридир. Бу кўрсаткич қиёс қилинадиган вариантлар бўйича сарфланган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар асосида қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

$$Й = [(T_1 + E_n * K_1) - (T_2 + E_n * K_2)] * A_2$$

Бу ерда Й - йиллик тежам;

T_1 - янги техника бўйича тадбирлар жорий қилингунгача бўлган маҳсулот ёки иш бирлигининг таннарни (сўм ҳисобида);

T_2 - шунинг ўзи, тадбирлар жорий қилингандан сўнг (сўм ҳисобида);

K_1 - тадбирлар жорий қилингунгача маҳсулот бирлигига сарфланган капитал маблағлар миқдори;

K_2 - шунинг ўзи, тадбирлар амалга оширилгандан сўнг;

A - янги тадбирлар амалга оширилгандан бошлаб тайёрланадиган йиллик маҳсулот ёки ишларнинг натура бирлиги.

E_n - капитал харажатларнинг нормадаги қиёсий самарадорлиги коэффициенти.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, бунинг ҳамма учун тўғри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. Ҳар бир корхона бу масалани ечишда ўз имкониятлари ва юзага келган иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади. Бироқ барча ҳолларда ҳам самарадорликнинг асосида фойдани максималлаштириш ёки харажатларни минималлаштириш ётади.

II Боб. “Чуст пахта толаси” акционерлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишлари

2.1. “Чуст пахта толаси” акционерлик жамиятининг тавсифи ва иқтисодий фаолияти таҳлили

“Чуст пахта толаси” акционерлик жамияти тумандаги етакчи саноат корхоналаридан бўлиб, асосан янги терилган пахтани дастлабки ишлов беришга ихтисослаштирилган.

Корхонанинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикасида ва хорижий истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган пахта толасига бўлган эҳтиёжини қондириш, фойда олиш, ҳамда акциядорлар ва жамият меҳнат жамоасининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъмин этишдан иборатдир.

“Чуст пахта толаси” АЖи уставига кўра ўз мақсадларига эришиш учун қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади:

- пахтани қабул қилиш, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш;
- уруғлик чигит тайёрлаш ва сотиш;
- халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш;
- бичув-тикув цехларини очиш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- чорвачилик билан шуғулланиш, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш;
- қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- кичик ҳамда қўшма корхоналар тармоқларини, тижорат марказларини, улгуржи ва чакана савдо дўконларини очиш;
- ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри ўзаро фойдали хўжалик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришга доир ишлаб чиқариш, ҳамда тижорат-воситачилик алоқаларини амалга ошириш. Ишлаб чиқарувчилардан уларнинг қайси идорага бўйсунishi ва мулкчилик шаклларида қатъий назар моддий ресурслар ва товарларни эркин сотиб олишни ҳамда уларни харидорларга сотишни ташкил этиш.
- хом-ашё тайёрлаш, маҳсулотлар ва товарларни ишлаб чиқрувчи корхоналар, савдо воситачилари, ҳамда хорижий фирмалар билан контрактлар тузиш йўли билан товарлар ва ресурсларни харид қилиш;
- ижтимоий ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларга қурилаётган ва қайта қурилаётган савдо корхоналарини асбоб-ускуналар ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш;
- иккиламчи ресурсларни тайёрлаш ва қайта ишлашни ишлаб чиқариш ҳамда саноат чиқиндиларини ишга солишни, ўраш-жойлаш маҳсулотларини тайёрлаш ва сотишни ташкил этиш;
- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ва вилоят ҳудудидан ташқари харид қилган маҳсулотларни сўмга ва валютага сотиш учун турли ҳилдаги савдо дўконлари ва умумий овқатланиш корхоналарини очиш;

“Чуст пахта толаси” АЖи 1995 йилда Чуст пахта тозалаш заводи, яъни давлат корхонасини ўзгартириш орқали таъсис этилган. Корхонада асосан чигитли пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёни амалга оширилади. Жамият халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш, шунингдек жамиятга кирувчи қатнашчиларни хўжалик фаолияти самарасини ошириш учун хизмат қилади.

“Чуст пахта толаси” АЖи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”, “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”, “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунлар ва жамиятнинг Низоми асосида олиб боради.

Акциядорлик жамиятига айлантирилгандан сўнг заводнинг ташкилий ва бошқарув тизимида бир қатор ўзгаришлар бўлди.

“Чуст пахта толаси” АЖини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” қонуннинг 63-моддасига биноан акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан ички назоратни тафтиш комиссияси ва аудитор амалга оширадилар.

Акциядорлик жамиятида бошқарув ва назорат вазифалари амалга оширилиши учун қуйидаги органлар тузилган:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- кузатув кенгаши;
- ижроия органи;
- тафтиш комиссияси;
- аудитор;
- санок комиссияси;
- тугатиш комиссияси.

Умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органи ҳисобланади.

Акциядорлар умумий йиғилиши одатда бир йилда бир марта умумий ҳисобот йиғилиши сифатида чақирилади. Умумий йиғилишлар оралиғида акциядорлар номидан жамиятнинг кузатув кенгаши иш олиб боради. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалаларни ҳал этишни мустасно қилганда кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади.

Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлар умумий йиғилишида қонунда белгиланган тартибда сайланади, улар чекланмаган марта сайланишлари ва қайта сайланишлари мумкин. Кузатув кенгашининг миқдор таркиби акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини уюштиради, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда ҳамда, жамият уставига ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни ижроия органи амалга оширади. Директор акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритади, битимлар тузади, шартларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Нazorатни амалга ошириш учун акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жамият уставига мувофиқ тафтиш комиссияси - жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи ички назорат органи сайланади. Тафтиш комиссияси умумий йиғилиш тасдиқлаган Низом асосида иш олиб боради.

Жамият тугатиладиган бўлса тугатиш жараёнига раҳбарлик қилиш учун тугатиш комиссияси тузилади. Акциядорлик жамияти ихтиёрий равишда тугатилаётган бўлса кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишига жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тузиш ҳақидаги масалани тақдим этади. Акциядорлик жамияти суд қарорига биноан тугатилишида тугатиш комиссияси қонунчиликда белгиланган тартибда тайинланади.

“Чуст пахта толаси” АЖининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлилини 2.1.1-жадвалдан кўришимиз мумкин. Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки корхонада ишлаб чиқарилган толанинг умумий миқдори 2011 йилда 3845 тонна, 2012 йилда 4522 тонна ва 2013 йил 9 ойда 2210 тоннани ташкил этган. Тола ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич 2012 йилда 2111 йилга нисбатан 677 тоннага кўпайган ва ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 117,6 ошган. Бу ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун корхонада 2012 йилда 6749 тонна чигитли пахта хом-ашёси қайта ишланган. Хом-ашёни қайта ишлаш ҳажми 2012 йилда ўтган 2011 йилга нисбатан 891 тоннага кўпайган.

“Чуст пахта толаси” АЖда ишлаб чиқарилган махсулот

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўзчов бирлиги	2011 йил	2012 йил	2013 йил 9 ойда	2012 йил 2011 йилга нисбатан
1	Тола	тн	3845	4522	2210	+677
2	Чигит	тн	5858	6749	3148	+891
3	Момиқ	тн	144	194	92	+50
4	Улюк	тн	69	51	46	-18
5	Пух	тн	832	786	875	-46

Корхонада ишлаб чиқариш хажмини оширишдаги ички омиллардан бири бу хом-ашёдан толанинг чиқиш даражасидир. Корхонада хом-ашёдан тола чиқиш миқдори 2011 йилда 33,1%ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 33.5%га етган ва ўтган йилга нисбатан 0,4 бирликка ёки 101,2%га кўпайган.

“Чуст пахта толаси” АЖда ишлаб чиқарилган махсулот хажми (минг сўм)

Т.р	Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил 9 ойда	2012 йил 2011 йилга нисбатан
1	Солишгирма нархларда	14605712	18561024	12135739	+3955312
2	Амалдаги нархларда	15374434	19537919	11004119	+4163485
3	Истеъмол моллари	24459	27516	20932	+3057

“Чуст пахта толаси” АЖида ишлаб чиқариш хажми ўтган йилга нисбатан солишгирма нархларда 3955312 минг сўмга, истемол моллари ишлаб чиқариш 3057 минг сўмга кўпайган. (2.1.2-жадвал)

Корхона ишлаб чиқариш цехларидаги барча асосий воситалар асосан электр-энергияси ҳисобига ҳаракатга келтирилади. Шунинг учун ҳам заводда йил давомида катта хажмдаги электр-энергияси сарфланади. Корхонада сарфланган электр энергиясининг умумий миқдори 2012 йилда 2619 Минг кВтга тўғри келган бўлса, унинг ҳажми 2013 йилда 3233 минг Минг кВтни ташкил этган ва ўтган йилга нисбатан 614 Минг кВтга ёки 123,4%га кўпайган.

“Чуст пахта толаси” ОТАЖи Давлат ва маҳаллий бюджетни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки корхона ўз фаолиятида давлатга ўнлаб турдаги солиқларни тўлайди. Юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахслар мол-мулки солиғи, йўл жамғармасига мажбурий тўлов, мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўлов, ягона ижтимоий тўлов ва бошқа ажратмалар шулар жумласидандир. Бугунги кунда корхонанинг дебитор ва кредиторлик қарздорлигини кўпайиб бораётганлиги сабабли бюджетга ўз вақтида солиқ ва йиғимларни тўлай олмаяпти. 2010 йилда корхона ҳисоб бўйича 2713797 минг сўмлик солиқ тўлаши лозим эди. Амалда тўланган солиқ эса 1170641 минг сўмни ташкил этди. Умуман олганда корхонада шу пайтгача давлат мажбурияти олдидаги боқиманда қарзлари 7519467 минг сўмни ташкил этмоқда.

2.2. “Чуст пахта толаси” акционерлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;

асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;

прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;

хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;

ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;

ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш⁸.

Амалиётда фан-техника тараққиётининг, жумладан, унинг таркибий қисмларининг аҳамияти ва ролини инкор қилувчи ёки тушунмовчи корхонани топиш амримаҳол. Бироқ ушбу омилни амалга ошириш учун фақатгина ҳоҳиш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун *биринчидан*, фан-техника тараққиётининг айна пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва аниқлаш, *иккинчидан*, пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар (инвестициялар) излаб топиш, *учинчидан*, замонавий илмий-техникавий ишламаларга ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа илмий муассасалар билан керакли алоқаларни «боғлаш», *тўртинчидан*, ўз илмий-техникавий мақсадларининг самаралилигини ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади.

Фан-техника тараққиёти сўнгги пайтларгача эволюцион равишда ривожланиб келмоқда. Асосий эътибор амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни қисман замонавийлаштиришга қаратилган эди. Бундай чора-тадбирлар маълум бир чекланган натижаларга олиб келарди.

Янги техникаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритишдан манфаатдорлик талаб даражасида эмасди. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг хорижий прогрессив технологиялари «эксплуаторлик белгиси» сифатида, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш эса ишсизликнинг асоси сифатида қабул қилинар эди. Хориж тажрибаларига капиталистик тажриба деб қараларди ҳамда бу тажрибаларнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмас эди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Япония корхона ва фирмаларида ижодий гуруҳлар, сифат гуруҳлари ташкил қилинган, яъни фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлмиш университетлар, илмий марказ ва лабораториялар билан алоқалар ривожлантирилмоқда. Япониянинг бугунги кунда роботлар ҳамда замонавий техника ва технологияларнинг бошқа турларини яратишда биринчи ўринларда туриши ҳам бежиз эмас.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан яна бири сифатида *мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти* – асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борица унумлироқ фойдаланишни

⁸ Ишлаб чиқариш менежменти. УСМ. Наманган, 2012й.

кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари уларга буюмлашган меҳнат сарфланганлиги, яъни корхонанинг бутунги эгаларидан ташқари аввалги авлод вакилларининг ҳам меҳнати мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бозор шароитларида ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурияти ҳақида қайта таъкидлашга эҳтиёж йўқ: биринчидан, бозор «вакумни», ҳаракатсизликни, хўжасизликни ва йўқотишларни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмайдиган корхона истиқболга эга бўлмайди ҳамда банкротга учрашга асос яратади. Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айниқса ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақият қозонишининг гарови ҳисобланади.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бутунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида бунини яққол кўриш мумкин⁹.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда *ташқилий-иқтисодий омиллар*, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳмияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилона ишлаб чиқариш шакллари яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

Бошқарувда эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шакллари, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш стили ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётига мос келиши зарур. Масалан, корхона директори билими, тажрибаси ва профессионал малакасига кўра, оддий ходимлар ва бўлинма (хизмат) раҳбарларидан юқори туриши лозим. Акс ҳолда у жамоани керакли тарзда бошқара олиши ҳамда муваффақиятга эришиши ва имиджга эга бўлиши қийин.

Режалаштиришда режаларнинг баланслаштирилиши, кўрсаткичлар тизимини оптимал шакллантириш, режалаштирилаётган мақсадлар ресурслар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги иқтисодий фаолиятни кучайтиришни, режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда замонавий компьютер техникаси ва унинг режа иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги имкониятларини яхши билувчи, саводли ва малакали иқтисодчиларни танлашни талаб қилади.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида *ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш*, ишлаб чиқарилаётган *маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш* ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, *корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш* каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-

⁹ “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2014 йил, 19 январ

ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларида фойдаланиш орқали эришилади.

Иқтисодий-иқтисодийнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгилаб қилинмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши ҳозирги вақтда 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2000 йилда 14,2 фоиздан иборат эди¹⁰.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, “Чуст пахта толаси” акционерлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларда чора-тадбирлар амалга оширишга устувор аҳамият берилиши лозим:

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қурулантириш, хом ашё ва материаллар сарфини камайтириш имконини берувчи асбоб-ускуна ва технологияларни жорий этиш;

- акциядорлик жамиятларида бошқарув тизимига ахборотларни очиқлигини таъминлаш мақсадида ахборот бўлимини киритиш;

- меҳнат жамоаларида корпоратив маданиятни шакллантириш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш;

Соҳадаги бундай йўналишлар, албатта ҳукумат томонидан олиб бориладиган чуқур ислохотлар, яъни корпоратив тузилмаларга қаратиладиган эътибор ва имтиёзлар билан биргаликда юқори натижаларга эришишга хизмат қилади.

2.3. “Чуст пахта толаси” акционерлик жамиятида ходимларни бошқариш самарадорлигини ошириш

Меҳнат унумдорлиги иқтисодий фаолият олиб бораётган корхона, ташкилот ёки бирор бир тармоқ бўйича ҳам асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Бу кўрсаткич ходимларнинг меҳнат фаолиятидаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг меҳнат харажатлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот билан белгиланади. Бунда меҳнат харажатлари ишчи ходимлар сони ёки бажарилган меҳнат сарфини ўз ичига олади. Меҳнат самарадорлиги энг кам меҳнат харажатлари билан юқори меҳнат натижаларига эришиш даражасини ифода қилади. Меҳнат самарадорлиги аҳоли меҳнат унумдорлигидан фарқли, меҳнатнинг миқдор кўрсаткичларини эмас, балки шу билан бирга меҳнатнинг сифат натижаларини ўзида ифода қилади. Меҳнат самарадорлиги кўрсаткичининг хусусиятларидан бири унда меҳнат ресурсларини тежалишига эришилади. Меҳнат самарадорлиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини фақат сарфланган вақт ва

¹⁰ “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2014 йил, 19 январ

иш сифатини ҳисобга олган ҳолда эмас, балки бир хил ходим ҳисобига сарфланган меҳнат харажатларини ҳам акс эттиради.

Моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида-саноатда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини кескин ошириш зарур. Ўзбекистонда моддий ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат унумдорлигининг нисбатан пастлиги бир томондан техникавий қуроллиниш даражасининг пастлиги бўлса, иккинчи томондан меҳнатқашларнинг касбкорлик даражасининг пастлигидадир. Шунинг учун бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири шуки, иш жойларини замон талабларига мос келадиган даражада, техникавий-ташқилий ўзгартиришларни амалга ошириш керак.

Фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги даврда шунини таъкидлаш зарурки, энг тез ривожланган тармоқларда персонал малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг кенг миқёсли тизимини вужудга келтириш муаммоси кўндаланг бўлиб қолди. Бу муаммони ҳал қилиш учун барча ўқув юртларида, касб даргоҳларида таълим тарбия тузилишини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келди.

Бозор иқтисодиёти малакали кадрлардан имкони борича кўпроқ фойдаланишни тақозо этади. Лекин, Ўзбекистонда энг мураккаб муаммолардан бири-маҳаллий аҳолини айниқса, ёшларни индустриал меҳнатга жалб этишдир. Уни ҳал қилиш учун Миллий иқтисодиёт, иқтисодий мустақиллик, ҳатто Ватан фидойиларини тарбиялаш нуқтаи назаридан ёндашиш зарур. Бизнинг фикримизча, бунинг учун, биринчидан, бандлик жамғармаси маблағлар ҳисобидан кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш учун турли хилдаги курслар очишни кенг йўлга қўйиш зарур;

иккинчидан, корхоналар қуриладиганда уларнинг йўналиши, вазифалари тўғрисида аҳолини олдиндан хабардор қилиш керак;

учинчидан, индустриал меҳнатга меҳрни болаликдан сингдириш зарур;

тўртинчидан, меҳнатни рағбатлантириш ишчиларни социал-маиший жиҳатдан таъминлаш масалаларида корхоналар тўла мустақиллигини таъминлаш керак;

бешинчидан оммавий ахборот воситалари орқали саноат корхоналари меҳнатини тарғиб этиш, ишчилар обрў-эътиборини кўтариш айти муддаодир. Умумлаштириб айтганда, миллий индустриал кадрларни шакллантириш республиканинг иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Иқтисодиётни модернизациялаш, мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш жараёнида республикада инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун, Фарғона водийсидаги аҳолининг зичлигидан келиб чиқадиган ва аксинча, шимолий ва ғарбий зоналарда ишчи кучининг етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топиши зарур.

Бунинг учун аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда меҳнат кўпроқ талаб қиладиган қўшимча саноат корхоналарини жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқларда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш ҳисобига қулолчилик, тикувчилик, тери ошлаш, наққошлик, қурувчилик ва бошқа бир қанча тармоқли кичик ҳамда хусусий корхоналарни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Умуман, ҳукумат Қарорларида белгиланган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни жадал қуриб битказиш ва ишга тушириш, ички резерв ва имкониятлардан бутун чоралар билан фойдаланишни таъминлаш лозим.

Бугунги кунда инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлларида яна бири - ёшларни ўз истакларига кўра персонал етишмовчилиги бўлган бошқа жойларга жалб этишни кенг йўлга қўйиш керак. Бироқ, бунинг учун кўчиб боровчиларга етарли шароитлар (уй-жойдан тортиб юқори иш ҳақиғача) яратиб бериш талаб этилади. Шунингдек, республикада инсон ресурсларидан оқилона фойдаланишда халқаро ишчи кучи миграциясини ҳам аҳамияти каттадир. Бозор иқтисодиёти шароитида миллий истиқлол шарофати билан инсон ресурсларидан фойдаланишнинг янги имкони, яъни ёш ва малакали инсон ресурсларини жаҳон меҳнат бозорига чиқариш, бошқа хорижий юртларга бориб ишлаш имконияти юзага келди.

Оврупо Иттифокига кирган бир қанча мамлакатлар (Туркия, Греция, Италия, Испания, Португалия, Жазоир ва бошқалар) меҳнаткашлари Германия, Франция, Голландия, Швецария, Бельгия каби иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга келиб ишлайдилар, даромад топадилар, бу билан ўз давлатлари ички миллий маҳсулотига салмоқли даромад келтирадилар.

Жаҳон меҳнат бозорида Ўзбекистон ишчи кучларини ҳам экспорт, ҳам импорт қилувчи давлат сифатида қатнашиши мумкин. Умуман олганда, аҳоли миграцияси - объектив зарурият ҳисобланади. Ҳар бир мамлакат ҳудудида бу жараён доимо давом этади. Фақат АҚШда ҳар йили мамлакат ичида 42 миллион киши ўзининг яшаш жойини ўзгартириб юради. Аҳоли ёки ишчи кучлари миграциясида Ўзбекистон ҳам фаол қатнашиши зарурдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бу борада юқоридаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун инсон ресурсларини бошқаришни тўғри йўлга қўйилиши керак, бунинг учун бозор талабларига мос келувчи, янги бошқарув тизимини яратиш керак. Жамиятда инсон ресурсларини бошқариш (меҳнат ресурслари, иш ҳақи, меҳнатни нормалаш, меҳнат шароитлари, меҳнат тарбияси) каби алоҳида бўғинларни, шунингдек, (ижтимоий меҳнат тақсимоти, меҳнат характери) бошқариш демакдир.

Инсон ресурсларини бошқариш тизим сифатида бир қатор бўғинлардан иборат. Бунда ишчи кучларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашни бошқариш жараёни муҳим ўрин тутди. Инсон ресурсларини бошқариш объекти - ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришни, тақсимот, фойдаланиш босқичларини ўз ичига олади. Хуллас, инсон ресурсларини бошқариш қуйидаги бўғинлардан иборат бўлиши керак.

кадрларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнига жойлаштириш;

мутахассисларни фан-техника талабларига жавоб беришларини таъминлаш мақсадида улар ҳаракатчанлигини йўлга қўйиш;

инсон ресурсларини сифат томонларини такомиллаштириш;

ишчиларни меҳнатга моддий ва маънавий қизиқишларини шакллантириш;

меҳнаткашларни турмуш тарзини яхшилаш, меҳнатнинг социал шароитлари комплексини такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш орқали оғир қўл меҳнатини қисқартириш, инсон ресурсларини бошқаришнинг асосий вазифасидир.

Шунингдек, инсон ресурсларини бошқариш қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш орқали амалга оширилади:

турли хилдаги касб-малака ва социал демографик қўрсаткичларга эга бўлган ишчилар сони билан иш жойлари таркиби ўртасидаги мувофиқликни юқори даражада таъминлаш;

ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш жараёнини мукаммаллаштириш;

мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг таъсирчан тизимини яратиш;

ёшларда меҳнат тарбиясини иложи борича эртароқ, бошлаш.

Ҳозирги замонда ишлаб чиқаришни ишчи кучининг миқдори ва сифатига бўлган талабини қондиришга, уни республика тармоқлари ва ҳудудлари ўртасида шунчаки «тақсимлаш» орқали эришиб бўлмайди. Бунинг учун махсус янги бошқарув тизимини яратиш зарур. Шунингдек, фикримизча, инсон ресурсларини тўғри бошқариш учун, ундан самарали фойдаланишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу дастурлар ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур ҳудудлар шароитларига мос келадиган қилиб тузилиши керак.

Республикаимиз Президенти Ислам Каримов 2011 йилнинг асосий йқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролига алоҳида эътибор бериб, “Ҳисобот йилида янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Худудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўринининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди.”¹¹, - деб алоҳида таъкидлади.

Хулоса қилиб айтганда, ишчи кучидан оқилона фойдаланиш ва бошқаришдан мақсад аҳолини меҳнатга бандлигини ошириш, миллий иқтисодиётни инсон ресурсларига бўлган талабни тўлароқ қондириш, шунингдек, меҳнаткашларнинг малака, маълумот, касб-корлик даражаларини ошириш ва уларни жамиятнинг социал иқтисодий ривожланиш шароитларига мослаштириш орқали жамият инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш ва корхоналар самарадорлигини оширишдир.

¹¹ 2012 йил ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналошларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, №14 (5434)

III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ВА КОРХОНАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш йўллари

Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий йўналишлари ва ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида жаҳон иқтисодиётида юзага келган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиқиб, 2012 йил ва ундан кейинги йилларда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни аниқ-равшан белгилаб берди.

Президентимиз мамлакатимиз корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш негизида миллий иқтисодиётимизнинг жаҳон ҳўжалик тизимидаги ўрнини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

“Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур”.¹²

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширмасдан, рақобатдош иқтисодиёт, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, ўрта муддатли истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишдек стратегик вазифани амалга ошириш мумкин эмаслиги Юртбошимиз томонидан таъкидлаб ўтилди.

2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг жаҳон иқтисодиётига таъсири давом этаётган бир шароитда хомашё ва тайёр маҳсулотларга бўлган талабнинг давомли равишда пасайиши корхоналар, мамлакатлар ўртасидаги рақобат кураши барча маҳсулотлар, айниқса тайёр маҳсулотлар бозорларида кучайиб боришига сабаб бўлмоқда.


Бундай шароитда миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш орқалигина мамлакатни барқарор ривожлантириш мумкинлиги сир эмас.

Бу мақсад мамлакат иқтисодиётини изчил равишда ислоҳ қилиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгिलाш жараёнларини тезлаштириш орқалигина таъминланиши мумкинлигини илғор давлатлар тажрибаси кўрсатиб тургани Президентимиз маърузасида алоҳида қайд этилди (1.3.1-расм).

“Республика саноатини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекси ва корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгिलाш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида” қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарори¹³ билан тасдиқланган дастурнинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришда янги босқич бўлади.

¹² Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил.

¹³ Халқ сўзи // 2010 йил. 15 декабр



3.1.1-расм. Мамлакатимиз иқтисодийетининг рақобатдошлигини таъминлаш шартлари

Президентимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодийетининг рақобатдошлигини таъминлашга тўсиқ бўлаётган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг паст бўлишига, таннархининг эса асоссиз ўсиб кетишига олиб келаётган омилларни бартараф этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан,

- корхоналарда мавжуд асбоб-ускуналар ҳамда технологияларнинг салмоқли миқдори жисмонан ёки маънавий жиҳатдан эскиргани;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада экани;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда тўлиқ ҳал этилмагани;
- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси қониқарли эмаслиги таъкидланди.

Республикаimizдаги корхоналарнинг технологик ускуналари ва технологияларининг ҳолати бўйича 2011 йилда ўтказилган ва 476 корхонадаги ишлаб чиқарилганига 10 йилдан кўп муддат ўтган 114 минг технологик ускуна мавжудлигига техник аудит аниқлик киритди.

Техник аудитдан ўтказилган технологик ускуналарнинг 78,5 мингтаси (яъни 68 фоизи) ишлатишга яроқли, 25,6 мингтаси (22,2 фоизи) янгилашни талаб этади, 11,3 мингтаси (9,8 фоизи) эса ишлатишга яроқсиз деб топилди.¹⁴

Эскирган асбоб-ускуна ва технологилардан фойдаланилган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, меҳнат унумдорлигининг оширишга, маҳсулот бирлигига моддий ва меҳнат ресурслари сарфи миқдорини камайтиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича рақобатдошлигини таъминлашга эришиш мумкин эмас.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги bosқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодийет. - 2012. – 142 бет.

Маълумки, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланаётган ёқилғи-энергия ресурслари миқдорини камайтириш бу маҳсулотлар таннархининг пасайишига, уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатдошлиги ортishiга олиб келади, бу ресурсларни келажак авлодлар учун тежаш имкониятини яратади.

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларда чора-тадбирлар амалга оширишга устувор аҳамият берилмоқда:

муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш ишларини жадаллаштириш (бунда асосий эътибор шамол ва қуёш энергиясидан фойдаланиш, табиий метан ҳосил қилиш ҳамда ундан фойдаланиш, шамол генераторлари ва қуёш элементларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалаларига қаратилмоқда);

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш, энергия тежамкор, хомашё ва материалларнинг ортиқча сарфини камайтириш имконини берадиган асбоб-ускуна ва технологияларни жорий қилиш;

газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув етказиб бериш ва сақлаш тизимини модернизация қилиш орқали бу ресурсларимизнинг техник йўқотилиши миқдорини камайтириш;

маиший ёритиш воситаларининг тежамкор, замонавий турларидан фойдаланишни тарғиб қилиш ва рағбатлантириш, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, нархининг асоссиз ўсиб кетишини чеклаш чораларини қўриш;

энергия ресурсларидан маиший соҳада фойдаланишга бозор механизмининг жорий этишнинг жадаллаштириш. Жумладан, замонавий ўлчаш асбобларини ўрнатиш, ҳисоб-китобнинг кредит тизимини кенг жорий этиш;

газ, нефть, қўмир қазиб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, Иссиқлик электр станцияларини модернизация қилиш, улардаги энергия ҳосил қилувчи ва узатувчи қурилмаларни замонавийлари билан янгилаш, кичик гидроэлектростанцияларни қуриш ва ягона энерготизимга улаш асосида энергия ресурслари ҳажмининг ошириш ва таннархини камайтириш;

газ ва нефть хомашёсидан қўшимча маҳсулотлар, жумладан, полиэтилен, полипропилен, кимёвий толалар, сульфат кислотаси, машина мойлари ва бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимининг жорий этиш борасидаги камчиликларни бартараф этиш масаласи айниқса енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш моллари каби истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқларга тегишли.

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини ошириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини даражасини кўтаришга салбий таъсир кўрсатаётган, юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун Вазирлар Маҳкамаси олдида бир қатор масалаларни (3.1.2-расм) ҳал этиш вазифаси қўйилди.

Авваламбор, саноатда маҳсулот таннархини 10-15 фоизга пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Бу вазифани амалга ошириш саноат тармоқларида маҳсулот таннархини камайтириш бўйича мавжуд резервларни аниқлаш ва ишга солиш, ишлаб чиқаришни материал ва энергияни тежайдиган замонавий ускуналар билан қуроллантириш, мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, хомашё ва материаллар ҳамда ёрдамчи тармоқлар хизматлари нархининг асоссиз ўсишининг иқтисодий йўллар билан чеклаш, саноат кооперациясини кучайтириш ва хориждан олиб келинаётган хомашё, материаллар ва бугловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Республикаимизда қайта ишлаш саноатининг, айниқса қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш тармоқларининг ривожланиши даражаси мамлакатимизда мавжуд саноат

хомашёсини тўлиқ ва чуқур қайта ишлаш орқали рақобатдош, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун етарли эмас.

Гўшп, сут, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш даражаси ҳам қониқарли аҳволда эмас. Шу сабабли бу маҳсулотларни қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш чоралари қўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган “Республиканинг озиқ-овқат саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш ва 2012-2015 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1633-сонли қарори¹⁵ билан тасдиқланган дастурга кўра, озиқ-овқат хомашёсини қайта ишлашни кенгайтириш орқали саноат озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш кўзда тутилган.



3.1.2-расм. Иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар.

Жумладан, 2011-2015 йиллар давомида мева-сабзавот консерваси ишлаб чиқариш 132,6 фоизга, мева шарбатлари ишлаб чиқариш 141,9 фоизга, пишлоқ ишлаб чиқариш (бринзани қўшиб ҳисоблаганда) 166,7 фоизга, томат пастаси ишлаб чиқариш эса 116,7 фоизга, маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 127,8 фоизга ўсиши прогноз қилинган.

Шу даврда мева-сабзавот консервалари экспорти 132,8 фоизга, мева шарбатлари экспорти 129,4 фоизга, томат пастаси экспорти эса 172,4 фоизга ўсиши мўлжалланган. Бунга эришиш учун 2012-2015 йиллар давомида озиқ-овқат саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта қурулантириш мақсадларида қиймати 74,18 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳалар амалга оширилади. Бу лойиҳаларни молиялаштириш учун 36,5 миллион долларга тенг чет-эл инвестициялари жалб этилади.

¹⁵ Халқ сўзи. 2011 йил 31 октябр

Маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун рақобатчилар, истеъмолчилар, маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатнинг қонунчилиги тўғрисида ахборот қўмагини бериш, давлатларaro келишувларга кўра мамлакат корхоналари учун хорижий давлатларда энг кўп қулайлик режимини яратиш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини (банклар, транспорт тизими ва ҳ.к) ривожлантириш, маҳсулот рекламасига қўмаклашиш каби чора-тадбирлар ҳам экспорт қилувчи корхоналар рақобатдошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

3.2. Акционерлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш унинг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши

Маълумки, корпоратив бошқарув маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш, акциядорлар ва менежерлар фаолиятини уйғунлаштириш, рақобатбардош компанияларни ташкил этиш, чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш учун зарурдир.

Ўзбекистонда инвестициялар кўлами ва самарадорлигини оширишда саноатни барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, саноат тармоқларини диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрда 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги ПҚ1442-сонли қарори¹⁶ қабул қилинди. Ушбу қарорда саноатни ривожлантиришнинг комплекс дастури ва модернизация қилиниши, техник ва технологик янгиланиши, янгидан барпо этилиши қутилаётган йирик инвестицион лойиҳалар акс этган бўлиб, қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб берилган:

-таркибий жihatдан етакчи ўринга эга тармоқлар ва умуман, саноатни ривожлантиришнинг аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узок муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, шу асосда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;

-республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг рақобатдошлигини ошириш, миллий саноат ва умуман иқтисодиётни ривожлантиришнинг жаҳон конъюктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткич ва таърифларнинг барқарорлигини тaминлаш;

-Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таминлайдиган энергетика, нефт-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни жадал ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

-саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жихозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал тадбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

¹⁶ Халқ сўзи. 2010 йил. 16 декабр.

-ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таминлаш;

-ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таминлаш;

-меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобидан саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

-саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.

Келтирилган устувор йўналишларни амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан қарийб 50 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлган 519 та лойиҳани ўзлаштириш кўзда тутилган. Шундан молиялаштириш манбалари аниқ бўлган инвестицион лойиҳаларнинг сони 260 тани ташкил этади.

Ишлаб чиқилаётган янги инвестиция лойиҳалар қаторида 6,03 миллиард АҚШ доллари қийматига эга бўлган 99 та йирик тармоқ лойиҳаси, 412 миллион АҚШ доллариға тенг 442 та ҳудудий лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар йили саноатни ривожлантириш учун ўртача 10 миллиард долларға тенг бўлган инвестицион маблағлар иқтисодиётга жалб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринларини ташкил этишни ва қўшимча даромадларнинг шаклланишини, шунинг билан бирга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлган ЯИМнинг ўсишини таминлашға ва натижада аҳоли фаровонлигини таъминлашға хизмат қилади.

Мамлакатимизда инвестициялар соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши янги ва юксак технологияларға асосланган, илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларни чуқур қайта ишлашни таминлайдиган ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишға қаратилган.

Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзға ташланмоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодиётимиз диверсификация қилинаётганининг яққол далолати, десам, хато бўлмайди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашға оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятиға 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Жамғарманинг ўтган қисқа даврдаги фаолияти давомида 153 та

тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион доллардан зиёд бўлган экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди¹⁷.

Иқтисодийнинг стратегик аҳамиятга эга тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни ва шунингдек, самарали таркибий ўзгаришлар ва инвестиция сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ушбу жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сонли Фармонида биноан иқтисодийликнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш, мамлакатимизнинг барқарор динамик равишда ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш ҳамда таркибий ва инвестицион сиёсатни амалга ошириш мақсадида ташкил қилинган бўлиб, дастлаб унинг устав капитали 1,0 миллиард АҚШ доллари миқдорида белгиланди. Ҳозирги вақтда ушбу жамғарма капитали 9 миллиард доллардан ошиб кетди. 2012 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида 758 миллион доллардан зиёд хажмдаги 29 та стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаш мўлжалланмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 38,2 фоизга кўп демакдир¹⁸. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ролини ошириш ҳамда ишгиروي кўламини кенгайтириш, саноатнинг етакчи тармоқларида ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидаги стратегик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаш хажмларини кўпайтириш учун жамғарманинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 9 мартдаги ПҚ-1725-сонли "Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғарма фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 11 августдаги ПҚ-1387-сонли қарорига мувофиқ жамғарманинг устав капитали 10 миллиард АҚШ доллари миқдорида шакллантирилганлиги маълумот учун қайд этиб ўтилган ҳамда 2012-2016 йиллар мобайнида жамғарманинг устав капиталини босқичма-босқич 15 миллиард АҚШ долларига етказилиши белгиланди. Юқоридаги йўналишлар асосида саноат корхоналари фаолияти такомиллашиб, сифат жиҳатдан яхшиланишига, пировард натижада самарадорлик кўрсаткичларини ошишига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

¹⁷ "2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади". Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2014 йил, 19 январь.

¹⁸ Каримов.И.А. «2012-йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» // «Халқ сўзи» газетаси №14, 2012йил 20 январь.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, хўжалик юриштишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс эттиради. Ҳар қандай ишда, жумладан, корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланаётган ёқилғи-энергия ресурслари миқдорини камайтириш бу маҳсулотлар таннархининг пасайишига, уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатдошлиги ортишига олиб келади, бу ресурсларни келажак авлодлар учун тежаш имкониятини яратади.

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларда чора-тадбирлар амалга ошириш устувор вазифа ҳисобланади:

муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш ишларини жадаллаштириш (бунда асосий эътибор шамол ва қуёш энергиясидан фойдаланиш, табиий метан ҳосил қилиш ҳамда ундан фойдаланиш, шамол генераторлари ва қуёш элементларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалаларига қаратилмоқда);

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш, энергия тежамкор, хомашё ва материалларнинг ортиқча сарфини камайтириш имконини берадиган асбоб-ускуна ва технологияларни жорий қилиш;

газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув етказиб бериш ва сақлаш тизимини модернизация қилиш орқали бу ресурсларимизнинг техник йўқотилиши миқдорини камайтириш;

маиший ёритиш воситаларининг тежамкор, замонавий турларидан фойдаланишни тарғиб қилиш ва рағбатлантириш, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, нархининг асоссиз ўсиб кетишини чеклаш чораларини кўриш;

энергия ресурсларидан маиший соҳада фойдаланишга бозор механизмининг жорий этишни жадаллаштириш. Жумладан, замонавий ўлчаш асбобларини ўрнатиш, ҳисоб-китобнинг кредит тизимини кенг жорий этиш;

газ, нефть, кўмир қазиб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, Иссиқлик электр станцияларини модернизация қилиш, улардаги энергия ҳосил қилувчи ва узатувчи қурилмаларни замонавийлари билан янгилаш, кичик гидроэлектростанцияларни қуриш ва ягона энерготизимга улаш асосида энергия ресурслари ҳажминини ошириш ва таннархини камайтириш;

газ ва нефть хомашёсидан қўшимча маҳсулотлар, жумладан, полиэтилен, полипропилен, кимёвий толалар, сульфат кислотаси, машина мойлари ва бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш.

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини ошириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини даражасини кўтаришга салбий таъсир кўрсатаётган, юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш корхоналар олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

“Чуст пахта толаси” акционерлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларда чора тадбирлар амалга оширишга устувор аҳамият берилиши лозим:

-ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш, хом ашё ва материаллар сарфини камайтириш имконини берувчи асбоб ускуна ва технологияларни жорий этиш;

-акциядорлик жамиятларида бошқарув тизимига ахборотларни очиқлигини таъминлаш мақсадида ахборот бўлиминини киритиш;

-мехнат жамоаларида корпоратив маданиятни шакллантириш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш;

Саноатда маҳсулот таннархини 10-15 фоизга пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш зарур.

Бу вазифани амалга ошириш саноат тармоқларида маҳсулот таннархини камайтириш бўйича мавжуд резервларни аниқлаш ва ишга солиш, ишлаб чиқаришни материал ва энергияни тежайдиган замонавий ускуналар билан қуроллантириш, мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, хомашё ва материаллар ҳамда ёрдамчи тармоқлар хизматлари нархининг асоссиз ўсишини иқтисодий йўллар билан чеклаш, саноат кооперациясини кучайтириш ва хориждан олиб келинаётган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида самарадорлиқнинг алоҳида ўрни мавжуд. Бозор иқтисодиёти натижалиликни, фойдалиликни тақозо этади. Тартибли бозорга асосланган иқтисодиётда энг кам ресурс сарфлаб кўп натижага эришиш зарур. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида 5 турдаги ресурслар тизими ҳаракатда бўлади: а) моддий ресурслар, б) меҳнат ресурслари, в) молиявий ресурслар, г) энергетик ресурслар, д) ахборот яъни информацион ресурслар. Мана шу ресурслардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш мумкин. Бундай фаолият ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишида муҳим аҳамият касб этади.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;
- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;
- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан яна бири сифатида *мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти* - асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борича унумлироқ фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари уларга буюмлашган меҳнат сарфланганлиги, яъни корхонанинг бугунги эгаларидан ташқари аввалги авлод вакиллариининг ҳам меҳнати мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида *ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш*, ишлаб чиқарилаётган *маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш* ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, *корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш* каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларидан фойдаланиш орқали эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2014 йил, 19 январ.
2. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2012 йил 21 январ
3. «Барча режа ва дастурларимиз ватамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади». Президент ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январ.
4. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
6. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
8. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
9. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашни таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.
14. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
15. Волков О.И. Экономика предприятия, Учебник. М., «ИНФРА-М», 2000.
16. Гурков И.Б. Инновационное развитие и конкурентоспособность: Очерки развития 333 российских предприятий. – М.: ТЕИС, 2003.
17. Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 439 с.
18. Гиляровская Л.Т., Вехорова А.А. Анализ и оценка финансовой устойчивости коммерческого предприятия. – СПб: Питер, 2003. –249 с.
19. Крылов Э.И. Анализ эффективности инвестиционной и инновационной деятельности предприятий / Учеб. пос. 2е изд. пере раб и доп.. –М.: Финансы и статистика, 2003. –605 с.
20. Сергеев И.В. Экономика предприятия. Учебник. М., Финансы и статистика. 1997.
21. Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник. М., 1999.
22. Шепеленко Г.И.. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. Учебное пособие. Ростов-на-Дону, Изд. Центр «МАРТ», 2000.
23. Грузинов В. Г.. Экономика предприятия Учебник 2-е изд. М.: «Юнити Дана» 2003.
24. Сенге Питер М. и др. пер с англ. Танец перемен: новые проблемы самообучающихся организаций М.: ЗАО Длимп-Бизнес 2004.
25. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2004.
26. Аутсорсинг: Создание высокоэффективных и конкурентоспособных организаций. Учебное пособие / Под ред. Б.А.Аникина М.: Инфра – М 2003.
27. Экономика предприятия Конспект лекций М.: Изд-во ПРИОР 2002.
28. Экономика предприятия / Под ред. Е.Л. Кинтора Спб. Питер, 2003. -352 с
29. Практикум по экономике организации (предприятия). Учебн. Пособ./ Под ред. проф. П.В. Тальминой и проф. Б.В. Чернецовой М.: ФиС 2003.
30. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование. (Учебное пособие). – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
31. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.
31. Кристенсен Клейтон М. Как из-за новых технологий погибают сильные компании /Дилемма инноватора Пер.с англ. М.: Альгина Бизнес Бука 2004.
32. <http://www.harvard.edu>
33. <http://www.capitul.ru>
34. <http://www.5b.ru>
35. <http://www.audit-center.ru>